

**СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ЧИНАКАМ ТАЪМИНЛАШ–
ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ГАРОВИДИР**

Хумоюн Саломов

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти етакчи илмий ходими
salomov.x.b@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада суд тизими мустақиллини таъминлашда амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар, шахснинг ҳуқуқ ва эрикнликларини таъминлашда уларнинг судья шахсининг дахлсизлигининг ўрни ҳамда хорижий давлатларнинг қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Судьялар мустақиллиги, судья дахлсизлиги, қонунийлик, адолат, ички ишонч, якуний тўхтам, судьялар ҳамжамияти, судлар кодекси.

**TRULY ENSURING THE INDEPENDENCE OF JUDGES - A
GUARD TO ENFORCE LEGALITY**

Xumoyun Salomov

leading researcher at the Institute of Legislation and Legal Policy under the President
of the Republic of Uzbekistan
salomov.x.b@gmail.com

Abstract: This article provides a comparative analysis of the legal reforms implemented to ensure the independence of the judicial system, the role of the inviolability of judges in ensuring the rights and freedoms of individuals, and the legislation of foreign countries.

Keywords: Independence of judges, judicial immunity, legality, justice, internal trust, final decision, community of judges, judicial code.

**ДЕЙСТВИТЕЛЬНО ОБЕСПЕЧИТЬ НЕЗАВИСИМОСТЬ СУДЕЙ
- ЭТО ОХРАНА ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАКОННОСТИ**

Хумоюн Саломов

ведущий научный сотрудник Института законодательства и правовой политики
при Президенте Республики Узбекистан

salomov.x.b@gmail.com

Аннотация: в данной статье сравнительно анализируются правовые реформы, проводимые в целях обеспечения независимости судебной системы, роль неприкосновенности судьи в обеспечении прав и свобод личности, законодательство зарубежных стран.

Ключевые слова: независимость судей, судейский иммунитет, законность, справедливость, внутреннее доверие, окончательное решение, судейское сообщество, судебный кодекс.

Даврнинг ривожланиши жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларнинг такомиллашувига ҳамда унинг турли жабҳаларида вужудга келадиган низолар юзасидан қонуний ва адолатли қарорлар қабул қилиш вазифаси юклатилган суд ҳокимияти ва судьялар ўзларининг ички ишончига таянган ҳолда яқуний тўхтамга келиши учун ҳал қилувчи ўринга эга бўлган судларнинг мустақиллигини қонун даражасида мустаҳкамлаш заруратини юзага келтирмоқда.

Бу борада Янги Ўзбекистонда изчиллик билан олиб борилаётган туб ислохотлар жараёнида қабул қилинган Конституциямизнинг асосий тамойиллардан бири сифатида суд ҳокимияти мустақиллигини белгиланиши мазкур соҳада амалга оширилаётган сай-ҳаракатларнинг пойдевори тарифасида хизмат қилмоқда. Айнан ушбу йўналишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони лойиҳасининг 86-мақсади этиб, суд

хокимиятининг мустақиллигини кучайтириш устувор вазифа тариқасида белгиланиши назарда тутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев 2024 йил 19 ноябрь кuni Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида иштирок этиб, сўзлаган нутқларида судлар фаолиятига алоҳида тўхталиб - **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини сайлаш тизими йўлга қўйилгани суд хокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади. Шу ўринда бир фикрга урғу бериб айтмоқчиман: Сенатнинг ушбу конституциявий ваколати фақат номзодларни тасдиқлаш билан чекланиб қолмаслиги керак. Юқори палата қўмиталарида номзодларнинг фаолияти билан танишиш ва баҳо бериш, улар ҳақида хулоса билдириш амалиётини йўлга қўйиш зарур. Шу билан бирга, судьяларнинг мақоми ва судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини, суд тизимини молиялаштириш учун маблағлар ажратишда ушбу ҳамжамиятнинг иштирок этиш кафолатларини алоҳида қонунлар билан белгилайдиган вақт келди, деб ҳисоблайман”¹** деган изчил ташаббусларни билдирдилар.

Дарҳақиқат, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатда қонунийликни таъминлаш муҳим ўрин тутиши билан бир қаторда, жамиятдаги тенглик ва адолатни белгилаб берувчи суд тизими ва судья шахсининг мустақил ҳолда иш юритиши ҳамда қарорлар қабул қилишига эришиши ўз навбатида ҳуқуқий давлатда барқарорлик ва фаровонлик мавжудлигини белгилаб берувчи энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

¹https://uza.uz/uz/posts/sud-hokimiyatining-chinakam-mustaqilligini-taminlashga-xizmat-qilayotgan-tizim_658741?ysclid=m6f6rv24bz734752156

Халқаро миқёсда суд тизими мустақиллигини белгиловчи муҳим ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 7-Конгрессида қабул қилинган “Суд тизими мустақиллигининг асосий принциплари”га кўра, ҳар бир давлат ўзининг ҳудудида фаолият олиб боровчи судларнинг мустақиллигини таъминлаш мажбуриятига амал қилиши зарурлиги ва суд тизимининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланиши ва Конституция ҳамда давлат қонунлари билан мустаҳкамланиши, ўз навбатида шахслар, давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалари суд тизими мустақиллигини ҳурмат қилишга мажбурликлари ва судья шахсига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгиланган.²

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари Аксилкоррупция тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-босқич мониторинги натижалари бўйича Ўзбекистонга берилган тавсияларининг 15.2-бандида судьяларни ўзини ўзи бошқариш тамойилини амалиётга кенгроқ жорий этиш ва 5-мониторинг бўйича коррупцияга қарши курашни таъминлашнинг муҳим омили тариқасида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган тавсиялар билдирилган.

Суд мустақиллиги тамойилининг барча давлатлар учун кўрсатмавий ҳарактерда акс эттирилишининг боиси судья томонидан қабул қилинадиган яқуний тўхтам (қарор) инсоннинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларига дахл этишини инобатга олган ҳолда ишни кўриб чиқиш, иш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида одил судловни амалга оширувчи

² https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml
SJIF: 5.051

судьяга нисбатан келгусида бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай таъсирлардан холи бўлиши ва ўз ички ишончига таянган ҳолда қонуний ва адолатли тўхтамга келиши лозим.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳокимиятлар бўлиниш тамойили асрлар мобайнида шаклланиб, ҳозирги замонга келиб ўзининг мукамал шаклига келган бўлиб, унда суд тизими ва судья шахси иқтисодий, ижтимоий ҳамда ўз фаолияти давомида бирор бир жиҳатдан бошқа ҳокимиятларга дахлдор ёинки қарам бўлмаган ҳолда ажратилиб, ўзининг яхлит мақомига эга бўлган одил судловни амалга оширувчи – жамиятнинг адолат тарозиси ҳисобланади.

Хусусан, роман-герман ҳуқуқ тизимига мансуб бўлган хорижий давлатлар қонунчилигига биноан, Франция Конституциясининг 64-моддасида, судьяларни лавозимга тайинлаш магистрлар олий кенгашининг тавсиясига асосан Президент томонидан тайинланганлиги боис Президент суд тизими мустақилигининг кафолатини таъминловчи субъект этиб белгиланган. Германия давлатининг Конституциясининг 97-моддасига кўра, судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунилари белгиланган. Словения Конституциясининг 125-моддасига биноан, судьялар ўзининг фаолияти билан боғлиқ барча ҳолатларда мустақил эканликлари, улар фақат Конституция ва қонунларга итоат этишлари кўрсатилган.³

Суд тизимининг институционал тарафдан ва судья шахсининг индивидуал жиҳатдан мустақиллигини белгилаб берувчи асосий элементларга, иқтисодий ва ижтимоий қўллаб қувватланганлик, дахлсизлик, қонун даражасида ҳимояга эга бўлганлик ҳамда судьяликка тайинлаш,

³<https://eurlex.europa.eu/search.html?scope=EURLEX&text=JUDGE&lang=fr&type=quick&qid=1737203551>

сайлашнинг турли аралашувлардан холи эканлиги Конституцион нормалар билан белгилаб берилганлиги билан баҳоланади.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг 130-моддасида, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритиши қатъий равишда белгиланганлиги, суд тизими мустақиллигининг нинг конституциявий кафолатлари ўрнатилганлигидан далолат беради.⁴

Эътиборли тарафи шундаки, жиноят, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан чиқариладиган ҳар бир якуний ҳужжат ҳоҳ ҳукм ёинки ҳал қилув қарори бўлсин “Ўзбекистон Республикаси номидан” қабул қилинишининг ўзи ҳам рад этиб бўлмас далил ҳисобланиб, давлат номи билан юритилаётган иш эканлигини ўзида акс эттирибгина қолмай, давлат томонидан шахсга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказиш орқали жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этишини англаб етиш мумкин.

Суд тизими ва судьяларнинг ягона раҳбари фақат ва фақат – Қонун бўлиши кераклигини реал воқелик сифатида қабул қилишимиз даркор. Боиси, давлат органлари ёҳуд бошқа ташкилотларнинг судда кўрилаётган иш бўйича ҳар қандай аралашувларига чек қўядиган даражада - мустақил судья шахси тариқасида ҳар бир давлатнинг фундаментал ҳужжати ҳисобланган Конституциянинг чинакам посбони бўлиб шаклланиши лозим.

Судья шахсига нисбатан қўлланиладиган интизомий таъсир чоралари устидан шикоят қилиш, судьяни лавозимдан озод қилинган тақдирда, ушбу

⁴ <https://constitution.uz/uz>

таъсир чораларининг қонуний ва адолатлилигига баҳо берувчи мустақил бўлган алоҳида тизимни яратилиши ҳам ўз навбатида судья мустақиллигини мустаҳкамловчи муҳим механизм тариқасида хизмат қилади.

Ўз навбатида суд мустақиллигини таъминланиши судьяларга ишларни кўриб чиқишда томонлар тенглигига риоя этган ҳолда қонуний ва адолатли қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш билан бирга қаторда уларга шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларни содир этмаслик, ноқонуний қарорлар қабул қилмаслик мажбуриятини ҳам юклашини инобатга олиш даркор.

Шу ўринда, судья шахсининг мустақиллигини қонуний равишда таъминлашга қаратилган ҳуқуқий-сиёсий ислохотлар жараёнида судьяларни тайинлаш ёинки тасдиқлаш тизимидан воз кечиб, уларни судьяларни сайлаш институтини белгиловчи ҳамда судьянинг мақомини, дахлсизлигини, унга нисбатан қўлланиладиган барча интизомий таъсир чоралари бўйича шикоят қилиш механизмини белгиловчи ва улар бирлашадиган судьялар ҳамжамиятининг ҳуқуқий асосларини кафолатловчи “Судлар кодекси”ни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш маъмурий, жиноий, фуқаролик ва иқтисодий соҳадаги норматив-ҳужжатларни унификация қилинишига ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини чинакам таъминлашга, ушбу йўналишдаги муаммоларни изчиллик билан ҳал этишига ҳамда халқ судьялари тариқасида ўзларининг шарафли номларига муносиб равишда хизмат қилувчи пойдевор ҳужжат тариқасида хизмат қилишига ишонч билдирамыз.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, умумэътироф этилган қоида тариқасида, ҳар бир мамлакатда қонунийлик ўрнатилганлигини муҳим индикатори сифатида – ундаги суд тизими ва судьяларнинг мустақиллигини

таъминланганлик даражаси орқали аниқлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида суд тизими ва судья шахсининг мустақиллигини қатъий белгиланган бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан мустақилликни тўлиқ таъминланганлиги, барпо этилаётган ҳуқуқий ва ижтимоий давлатимизда қонунийликни мустаҳкамловчи муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. https://uza.uz/uz/posts/sud-hokimiyatining-chinakam-mustaqilligini-taminlashga-xizmat-qilayotgan-tizim_658741?ysclid=m6f6rv24bz734752156.
2. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml.
3. <https://eurlex.europa.eu/search.html?scope=EURLEX&text=JUDGE&lang=fr&type=quick&qid=1737203551>.
4. <https://constitution.uz/uz>.